

ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Султонова Назокат

Фарду, ижтимоий иш талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада оилаларни ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш масалалари ёритилган. Мавзу юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари таҳлили ҳам берилган.*

Калит сўзлар: *Оила, тадқиқот, ижтимоий ҳолат, оғир турмуш шароити, ижтимоий нафақа.*

Ўзбекистон Республикасида охириги уч йилда олиб борилаётган ижтимоий ислохотларда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил устуворлик қилмоқда. Бугунги кунда аҳоли фаровонлигини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий мажлисга мурожаатида “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”, деб бу борадаги ишларни кучайтириш юзасидан таклифларни билдирган эдилар.

2018-2020 йилларда Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани, Тошкент вилояти Бўка тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманларида кам таъминланган, оғир турмуш шароитида яшаётган оилалардаги мавжуд вазият, оилалардаги асосий муаммолар махсус сўровномалар асосида ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотда оғир турмуш шароитида яшаётган Тўрақўрғон туманидаги 84 та оила (328 та фуқаро яшайди), Бўка туманидаги 49 та оила (192 та фуқаро яшайди), Чилонзор туманидаги 32 та оила (137 та фуқаролар яшайди) иштирок этишди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, оилаларнинг оғир турмуш шароитга тушиб қолишига қуйидагилар асосий сабаблардандир:

Биринчи сабаби, ўрганилган оилалардаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий муҳит: Тўрақўрғон туманидаги оилаларда 78.6 фоизида ёмон ҳолатда, 19.0 фоизида жуда ёмон ҳолатда, 8.3 фоиз оилаларда яхши эканлиги аниқланган. Чилонзор туманида 62,5% ёмон ҳолатда, 12,5% жуда ёмон ҳолатда ва 25 %

қониқарли ҳолатда, Бўка туманида 83.6% ёмон ҳолатда, 10.0% жуда ёмон ҳолатда ва 5 % яхши ҳолатдалиги аниқланган

Иккинчи сабаби, ўрганилган оилаларда яшайдиган фуқароларнинг маълумотлилик даражаси етарли эмас, оғир турмуш шароитида яшаётган фуқароларнинг Тўрақўрғон туманида 55.9 фоизи ўрта маълумотга, 15.2 фоизи ўрта-махсус маълумотга эга эканлиги, бирор бир касб-хунарга эга эмаслиги ҳам оиланинг оғир турмуш шароитига тушиб қолишига сабаб бўлган бўлса, Бўка туманида 33.3 фоизи ўрта маълумотга, 20 фоизи ўрта-махсус маълумотга эга ,6 %и умуман маълумотга эга эмас, Чилонзор туманида 16,1% тугалланмаган ўрта,34,3% ўрта умумтаълим, 29,9 % ўрта махсус, 5,1 % олий, 14,6 % 7 ёшгача бўлган болалар эканлиги, Яна бир маълумот 3 та худуддаги ўрганилган оилаларда 1 нафардан олий маълумотли фуқаро бор холос.

Учинчи сабаби, бу оила аъзоларининг саломатлик даражаси, Тўрақўрғон туманида 21,9% оила аъзолари сурункали касалликка чалинган. 15% ида ногиронлик қайд этилган (оталарнинг 16 нафарида турли даражадаги касалликлар: жигар церози, гепатит С, бел грижаси,ошқозон яраси, буйрак касаллиги куз касаллиги, онкологик, рухий касаллиги, ақли заифлик; оналарнинг 19 нафарида- юрак ишемик касаллиги, кўзи ожизлик, рухий касаллик, ошқозон раки, асаб касаллиги,саратон буйрак касаллиги, сил ва астма; фарзандларнинг 37 нафарида турли даражадаги касалликлар- рухий касаллик,юрак касаллиги, невроз,асаб касаллиги,жигар церози, гепатит С, гепатит В, эпилептик синдром, кар-соқов, кўзи ожизлик борлиги аниқланган.) Чилонзор туманида 8,8% оилаларнинг аъзолари оғир сурункали касалликка чалинган, 12,4 % оилаларнинг аъзолари ногиронлар. Бўка туманидаги ўрганилган оила аъзоларининг 23.9% оғир сурункали касалликлар чалинган, 8.3% оила аъзолари ногиронлик қайд этилган.

Тўртинчи сабаби меҳнатга яроқли оила аъзоларининг иш билан таминланмаганлиги, Тўрақўрғон туманида 11.2 фоизи доимий иш жойига эга. 20.6 фоизи мавсумий иш билан таъминланган, 65.3 фоизи умуман ишсизларни ташкил этган. Чилонзор туманида меҳнатга яроқли оила аъзоларининг 13,9% ишлайди, 5,8% мавсумий иш билан банд, 0,7% миграцияда, 7,3% вақтинча ишсиз, 2.9 фоизи ўз хойиши билан ишламайди. Бўка туманида 3.3% доимий иш билан банд, 16.1% мавсумий иш билан банд, 25.5% ишсиз эканлиги аниқланди.

Бешинчи асосий сабаби оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой билан таъминланишидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги: Тўрақўрғон туманида 38 фоиз оиланинг яшаш жойи жуда ёмон ҳолатда, Чилонзор туманида -28,1% яшаш шароитлари ёмонлиги, Бўка туманида 16.3 жуда ёмон ҳолатда эканлиги аниқланган.

Ўрганилган оилаларнинг оғир турмуш шароитида яшаётганлигига асосий сабаб нимада деган саволга Тўрақўрғон туманида 30 фоизи ишсизлик, 62 фоизи кам даромадлилик, 8 фоиз оилада ётиб қолган касалларнинг борлиги; Чилонзор

туманининг - 65,6% кам даромадлилар, -18,8 ишсизлик, -28,1% яшаш шароитлари ёмонлигини; Бўка туманида 30,6%и ишсизлик, 10,2% фоизи уй-жой билан таъминлашдаги муаммолар, 44,9 фоиз оилада ётиб қолган касалларнинг борлиги сабаб қилиб кўрсатишган.

Ўрганилган оилалардаги муаммолар ечими бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилган ёки мурожаат қилмаганлиги ўрганилганда шу нарса аниқландики, Тўрақўрғон туманида 41 %, Бўка туманида 50%, Чилонзор туманида 87,5% ҳолатларда фақат маҳаллага мурожаат қилишган холос. Ўрганишлар шуни кўрсатдики Махалла фуқаролар йиғинларига қилинган мурожаатлар натижасида Тўрақўрғон туманида 52%, Бўка туманида 48 % моддий ёрдам , Чилонзор туманида 81,3% оилаларга моддий ёрдам тайинланган. Оғир турмуш шароитида яшайдиган оилаларнинг аксарияти қайси муаммолар тегишлилиги бўйича ташкилотларга юборилмаган, ёки оилаларнинг қайси ташкилотлар, қайси хизматларни оилага кўрсатиши юзасидан хабардорлик даражаси қониқарли эмаслиги аниқланган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг қийин аҳволдан чиқариш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш тавсия этилади:

Биринчидан, Оилаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш;

Иккинчидан, давлатимиз томонидан оилаларга яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана олиш масъулияти уларнинг ўз зиммасида эканлигини атрофлича тушунтириш орқали оилаларда боқимандалик кайфиятини йўқотиш;

Учинчидан, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;

Тўртинчидан, оила аъзоларидан меҳнатга яроқлиларини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш;

Бешинчидан, оғир турмуш шароитидаги оилаларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш, даволанишларини учун йўлланмалар бериш;

Олтинчидан, оилаларнинг ҳужжатларидаги муаммолар (паспорт, никоҳ ва туғилганлик гувоҳномалари, уй-жой кадастр ҳужжатлари)даги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш.

Еттинчидан, оғир турмуш шароитидаги оилалар айниқса, ёш оилаларга ахборот-коммуникация технологиялари ва психология билимларини ўргатиш орқали ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш саводхонлигини ошириш.

Демак, оилаларни ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш учун ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаб, илмий-тадқиқот ишларини олиб

бориш, натижаларини таҳлил қилиб, тавсиялар ишлаб чиқиш орқали барча муаммоли оилаларга амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.
4. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. *Бюллетень науки и практики*, (12 (25)), 293-299.
8. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
9. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. *Бюллетень науки и практики*, (11 (24)), 357-363.
10. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43-46.
11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdugarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing

Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 40-42.

12. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).

13. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

14. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 780-783.

15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.

16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.

17. Xonkeldiyeva K., & Xo'jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. Экономика и социум, (3 (70)), 145-147.

18. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.

19. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 18-19).

20. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In Наука сегодня: история и современность (pp. 17-19).

21. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 15-16).

22. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 17-18).

23. Бахтиёрович, Х. Ж. (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИДА ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛИДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 1-6.

24. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материа.

25. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 40-41).

26. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 42-43).

27. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).

28. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 61-62).

29. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).